

001763

Тариф қиймати:
Сув 1 м³ 400 (+НДС15%+100 сўм) сўм
Окава 1 м 350 (+НДС15%+100 сўм)сўм

10530

-сонли шартнома

II Гуруҳ истеъмолчиларга ичимлик ва окава суви хизматларини кўрсатиш учун

Тошкент ш.

« 20 » 01 2022 й.

Ушбу шартнома "Тошкент шаҳар суи таъминоти" МЧЖ, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаол яратилган Сув таъминот башкарувчиси Довилети Швакратов Ш.Ш (Ф.И.Ш.)

шаҳарда, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи асосида иш олиб борувчи директор (Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил 1 июнидан бошлаб шартномага мувофиқ бюджет тапшилотлари ва II гуруҳ истеъмолчилари учун сув етказиши	360,00	нарх бўйича	400	801,00	м ³ ни:
1 м ³ сув учун			сўм (+ККС 15%), +100		сўм (махсус устама ҳақ)ни тапшил қилмоқда
1 м ³ окава сувоқлик учун			350		сўм (+ККС 15%) + 100 сўм (махсус устама ҳақ)
Шу тарихта шартноманинг умумий қиймати				448580,00	сўмни тапшил қилди (сумма Ёзув билан)
Шу жумладан, бюджет маблағларидан					сўм, бюджетдан ташқари
маблағларидан					сўм бюджетдан ташқари маблағлардан
туланиши қўзда тутилган.					

Бюджет тапшилотлари II гуруҳ истеъмолчилари Қондаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисоббарак-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Ҳазначилиги орқали сув таъминоти ва окава сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSi 950: 2011 «Ичимлик суви, тиёнлик талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартга мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув кубурлари тариф қийматида (ККС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтирилади.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичида "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва окава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва окава суви чиқариш хизматлари кўрсатиш Қондалари"га (кейинчалик матида – Қондалар деб юритилади), ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 1 апрелдаги № 317-сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м³ сув учун ва канализация хизматларига ҳам

1 м³ 100 сўм махсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва окава суви чиқариш тизимига уланиш учун руҳсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасаруфидоғи барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларининг) дислокациясини, уларнинг сувга эҳтиёжи ва шаҳар сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, қўшма нуسخасини тақдим қилади, "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-окава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

II. Умумий қондалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ховлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташқари сув сеппиш, ҳамда, ичимлик сув билан автомашиналарни ювиш учун фойдаланиш қатъиян манъ этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгилиларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этилаётган технологик ва ишлаб чиқариш жараёвлари учун мўлжалланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармокларидан сув олиб, окава сувларини "Истеъмолчининг" канализацион тармокларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва окава сувини чиқариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Қондаларга" мувофиқ туздилар.

2.4. Суви ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш агентлиги томонидан текширилган ва таъминланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан таъминланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасини ечиш, кўчсизлашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги № -698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шароити ўтказишнинг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қондаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмасининг ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмасини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларнинг уланиши Истеъмолчи томонидан фақат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчининг" сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" буюртмасига асосан, амалдаги метёр, қондалар ва бошқа метёрнинг ҳужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган улаамаларини ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (сув ва окава тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, ҳусусий уй-жой мулкдорлари шirkатлари орасида қуйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармокдан ўчирилади. Сув кубурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) окава тизими учун магистрал окава тизимига уланиш нуктасидаги сув чиқариш қудуги бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички окава тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш окава қудуги магистрал окава тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудук сув-коммунал хўжалиқнинг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса "Истеъмолчи"нинг қучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

III. Тарафтарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи"дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига ҳаф туг дирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;
- б) "Истеъмолчи" ҳисобидан ҳисоблаш қурilmасини ўрнатил;
- в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларида хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун "Таъминотчи"дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;
- г) "Таъминотчи"ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камда 15 кун олдин оголантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларини тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;
- д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) бериш олиш;
- е) "Таъминотчи"дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгарини ҳақидаги маълумотларни бериш олиш;
- ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда оқовини тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш талаб-талаблари тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик сувни билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга ошириш шартини талаб қилиш.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома шартларини бажариш;
- б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлари ва қурilmаларнинг мувофиқ равишда қўриланишини, уларга сув тошини ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймаслик, қудуқ копоқларини қор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамиларнинг бўлигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнғинга қарши гидрантларга ўттиш йўлларини бекитмаслик, кўрсатилган ёнғинга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;
- в) "Истеъмолчи" ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, оқова тармоқлари ва қурilmаларнинг устига турди буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувури, оқова тармоқлари ва қурilmаларнинг устидан ишлоотлар қурilmаслигини, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичидаги) сув қувури, оқова тармоқлари ва қурilmаларнинг устидан ишлоотлар қурilmаслигига йўл қўймаслик;
- г) коммунал сув қувури, оқова тармоқлари ва қурilmаларнинг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор қилиш;
- д) сувни ҳисобга олиш приборларида яққол кўришиб турган носозликлар, шунингдек тамгани бўлишига шикаст етган ёки ушиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнғинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки оқова тармоқлари (факс, электрон почта) орқали "Таъминотчи"га хабар бериш;
- е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятлари ариоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларини ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларид "Таъминотчи"га" жорий ойнинг охириг қундан кечикмаган ҳолда маълумотларини тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;
- ё) шартномада белгиланган миқдордан ортик ҳажмда сувнинг ортик сарф қилинишига ва оқова сувларининг метьёрдан ортик чиқарилишига йўл қўймаслик;
- ж) "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова ҳўжавиғидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;
- и) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қурима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;
- й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг оддиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг инфлоланиш концентрациясини метьёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;
- к) оқова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;
- л) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймаслик;
- м) жамоат сув ва канализация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган "Истеъмолчи" дарҳол "Таъминотчи"га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун "Таъминотчи" техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳўда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи" қуйидаги ҳолларда, истеъмолчинин 7 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга;
- б) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурilmаларнинг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва "Истеъмолчи" техник фойдаланиш қондаларини бузиш натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига кўра бартараф этмаса;
- в) "Таъминотчи"нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурilmаларида ишлар олиб бориш, тамга ўрнатишга ва бошқа ишларда "Истеъмолчи" томонидан асоссиз ҳалақат берилган тақдирда;
- г) "Таъминотчи" томонидан режални оддини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, "Истеъмолчи" уларга уланган бўлса, ва яни "Истеъмолчи"ларни улаш учун ишларни ўтказишда;
- д) "Истеъмолчи"нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларида ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг улашиб олганлиги аниқланганда;
- е) "Истеъмолчи" ўрнатилган муддатларда тўлов ҳўжжаларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;
- ё) "Таъминотчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг "Истеъмолчи" тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари ва улашишига рад жавобини берганда;
- ж) "Истеъмолчи"лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;
- з) энергия таъминоти тўхтатилишида;
- и) табиий офатларда;
- й) аварияларда;
- к) ёнғин чиққан ерларга сув етказиш ҳажминини ошириш зарурияти тутилишида.

3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;
- б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;
- в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурilmаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашини таъминлаш эшида амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда "Истеъмолчи"лар сувдан оқилона фойдаланиш ва сувдан оқилона фойдаланишини аниқлаш, сувни етказиб бериш ва истеъмол қилишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, санаотта мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни назорат қилиш;
- г) "Истеъмолчи"ларга индивидуал ҳисоблаш қурilmаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) "Истеъмолчи"лар сув қувур хўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва таъмираларнинг мавжудлиги ва буғлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўпи билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) "Истеъмолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;
з) сув таъминоти ва истеъмолчи оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида "Истеъмолчи"ларни хабардор қилиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истеъмолчи"га бепул бериш;

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларини бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳаққий зарарнинг ўзини қоплаши шарт.

4.2. "Истеъмолчи" куйдаги илар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги таъмиралар, айланмиш чизини жўраги, гидрантлар ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган таъмираларни ҳисоблаш қурилмаларининг буғлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқлари ва ўз бошимча улашиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг касдан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралаш ан ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

г) ўзбошимчалик билан қурилган ишлоотлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларининг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда "Таъминотчи" ҳодими ўрнатилган тартибда далолатнома тузали ва ушбу далолатнома "Истеъмолчи"нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3 "Таъминотчи" куйдаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) "Истеъмолчи"ларга сув таъминотига улашни ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) "Истеъмолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва тоқлатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизмидан чиқариш (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚКСНИ ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизмига келиб тушувчи қувурнинг миқдори, шаҳар сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорига тенг. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи совуқ сув миқдорига 2,0 коэффициентни қўлланилади. "Истеъмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизми "Истеъмолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. . Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишдан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини узиб, бу ҳақда Таъминотчи билан далолатнома имзолаши шарт. Истеъмолчи чиқиб кетгач, сувни ҳисобга олиш асбоби, пломбаларнинг буғлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юқлади.

6.2. "Истеъмолчи"нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истеъмолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан куйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: M – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициентини;

F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)м²;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

Куйдаги ҳолатларда:

6.3.1. "Истеъмолчи"да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолдада);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси шидан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфлаган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилиш ан)кунгача ҳисобланади;

Суви ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар суви ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори II гуруҳ истеъмолчилари учун ушбу Қонданинг 87-қббанди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув нероф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага айлантириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламга руҳсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгидан сақланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан улашиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан улашиб олган шахсининг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома сапасидан ўзбошимчалик билан улашиб олинган кун сапасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан улашиб узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади.

-Ўзбошимчилик билан улашиб олинган савонадан бу ҳақда маълум бўлган савонага, агар "Таъминотчи" баъансдаги тармоқларга улашиб солиб этилмаган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан олтомаслиги зарур. Агар ўзбошимчилик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддати ва тенг деб олинади.

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилди. Бетиланган муддат тугаган буюртмани (субъектни дойхазаштириш ва куришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини қўлдириш ёки янги техник шартларни олинти зарур

Техник шартлари маъқул бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув улатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6 "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқова сувини чиқариб юбориш тармоқларига улашни санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этилмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, ҳоким ёрқори ва калектр ҳужжатлари ва шу кабилар асосида, ҳужжат билан тақдимланган улашти санаси бўйича ҳисоб-китоб қилини а ҳақлиқилр.

6.7. Иплатидан ичимлик сувни ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этилмаган тўлов талабномалари асосида уларга ҳисоб қилишчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичида тақдим этилмаган ҳолларда амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кескиртирилган тўловнинг ҳар бир кунли акцентсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар 3 кунлик вақтда амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кескиртирилган тўловнинг ҳар бир кунли учун 0.4% пеня ёқиди ва унинг умумий ҳажми таъминотчи 50% дан олтомаслиги тоқим.

6.8 "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўқимларининг кўрм қассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. Таъминотчи тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалдан тўловнинг 100% миқдорига олдиндан тўловлар (пре-оплата) ни белгилади ва бу тўлов кесинги ой ҳисобига қўйилади. Агар "Истеъмолчи" икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳеч қандай оқовдан тиринишлариз ичимлик сувини етказиб беришни ва оқова сувларини чиқариб юборишни қарор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёқиндан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлик "Истеъмолчи" зиммасига юқлатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимининг илғари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашти II гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳажмининг 10 (ўн) баробари миқдорига тўлов қайта улашти амалга оширган ташкилот ҳисобига маблаг тарини ўтказиш орқали уқдирилади.

Канализация тизими а руҳсат этилмаган ёқир ва эркин қор сувлари оқидидаётган ишлаб чиқариш оқова сувларини "Истеъмолчи" лар томонидан тақдлаш тартиби Вақрлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган II сонли қарори билан тақдимланган "Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари" ҳамда ифлослантурувчи молдаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқидидаётган учун "Истеъмолчи" ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (ўч) баробар ортиқтурувчи коэффицент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобининг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олдинданлиги ва шу каби ҳолатлар) гўтрисида "Истеъмолчи" га ёқиланган эътирознома тўлов ҳужжати олдиндан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи" га тақдим этилини керак. Эътирознома "Истеъмолчи" ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги а мувофиқ Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида қўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан шғво келиб чиққан тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёқин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар муқур шартноманинг бажарилишига бевоқита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

Мақур шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақт а му таносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати маъқул бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда оқовдан тириниш лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан қўн муддат тўқининик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлинмаларида рўйхатга олдинган қундан бошлаб қучга қиради ва 202_ йилнинг 31 декабрга ама қилади.

«ТАЪМИНОТЧИ»

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

«Тошкент шаҳар Сув таъминоти» МЧЖ

Тошкент 100060, Фидокор 2

Тел: 252-19-68, 252-60-79

Факс: 252-19-44

000 «ТОШКЕНТ ШАҲАР СУВ ТАЪМИНОТ»
100060, Республика Ўзбекистон, г.Ташкент,
ул. Фидокор, дом-2 Тел: 71-252-19-55, 71-252-19-65
P/c: 2263 8000 6001 0149 9504
АТИБ Ипотека банк в Мехнатский филиал
ИФО: 00423 ИНН: 201 052 713 ОКД: 36000
код НДС: 326010005341

Раҳбар

М.Ў.

(Ф.И.Ш., имзо)

«

»

202_

й.

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Ҳужақик юртурувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси гўтрисида" ни Қонун талабларига мувофиқ тузилган

Юридик ҳулоса:

2 Юридик ҳулоса

Ҳуқуқшуносу

«

»

202_ й.

